**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI DIREKTORINING**

# BUYRUG‘I

20 23 y. "10" yanvar № 01-10/08

**O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining 2022-yil 28-dekabrdagi SQ-682-IV-son qarori ijrosini ta’minlash haqida**

O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining “2030-yilga qadar O‘zbekiston Respublikasida gender tenglikka erishish strategiyasining 2021-2022-yildagi ijrosi hamda uni amalga oshirish bo‘yicha 2023-yilga mo‘ljallangan chora-tadbirlarni tasdiqlash haqida” 2022-yil 28-dekabrdagi SQ-682-IV-son qarorida belgilangan vazifalar ijrosini o‘z vaqtida va sifatli bajarish maqsadida

**B U Y U R A M A N:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining “2030-yilga qadar O‘zbekiston Respublikasida gender tenglikka erishish strategiyasining 2021-2022-yildagi ijrosi hamda uni amalga oshirish bo‘yicha 2023-yilga mo‘ljallangan chora-tadbirlarni tasdiqlash haqida” 2022-yil 28-dekabrdagi SQ-682-IV-son qarori (keyingi o‘rinlarda – qaror) ma’lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Qarorda belgilangan vazifalarni amalga oshirishga oid Yoshlar ishlari agentligining nazorat rejasi (keyingi o‘rinlarda – nazorat reja) ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

3. Nazorat rejada belgilangan vazifalar va tadbirlar:

o‘z vaqtida, to‘liq va sifatli bajarilishi yuzasidan shaxsiy javobgarlik mas’ul ijrochi bo‘lgan tarkibiy va hududiy bo‘linma rahbarlari zimmasiga yuklansin;

ijrosi uchun talab etiladigan sarf-xarajatlar belgilangan muddatlarda alohida buyruq asosida amalga oshirilishi belgilansin.

4. Agentlik markaziy apparati tarkibiy tuzilmalari, hududiy bo‘linmalari rahbarlari hisobot oyi uchun keyingi oyning 5-sanasiga qadar nazorat reja ijrosi bo‘yicha Axborot-tahlil va ijro nazorati boshqarmasiga hisobot taqdim etib borsin.

5. Ushbu buyruq ijrosi nazoratini qilish direktor o‘rinbosari D.Kattaxanova zimmasiga yuklansin.

**Direktor** **A. Sa’dullayev**

Yoshlar ishlari agentligi direktorining
2023-yil “10”-yanvardagi 01-10/08-son buyrug‘iga
Ilova

**O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining “2030-yilga qadar O‘zbekiston Respublikasida gender tenglikka erishish strategiyasining 2021-2022-yildagi ijrosi hamda uni amalga oshirish bo‘yicha 2023-yilga mo‘ljallangan chora-tadbirlarni tasdiqlash haqida” 2022-yil 28-dekabrdagi SQ-682-IV-son qarorida belgilangan vazifalarni amalga oshirishga oid Yoshlar ishlari agentligining**

# NAZORAT-REJASI

| T/r | Chora-tadbir nomi | Amalga oshirish mexanizmi | Bajarish muddati | Moliyalashtirish manbai | Mas’ul ijrochilar | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Vazirlik va idoralar | Ijro uchun mas’ullar (Agentlik) |
| **O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining 2022-yil 28-dekabrdagi SQ-682-IV-son qarori bilan tasdiqlangan 2030-yilga qadar O‘zbekiston Respublikasida gender tenglikka erishish strategiyasini 2023-yilda amalga oshirish bo‘yicha kompleks chora tadbirlar dasturi** | | | | | | |
| **1.** *(19-band)* | Xotin-qizlar va erkaklarning butun umr davomida o‘qish imkoniyatlarini rag‘batlantirishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish. | 1. Bugungi globallashayotgan dunyoda kattalar uchun ta’lim va o‘qish zarurligidan kelib chiqib, kattalar uchun professional bilim va ko‘nikmalarni rivojlantirish bo‘yicha dastur va grafiklarni ishlab chiqish hamda amalga oshirishda ishchi guruh tarkibiga nomzod taqdim etish.<br>2. Xotin-qizlar va erkaklarning butun umr davomida o‘qishining afzalliklari to‘g‘risida aholining xabardorligini oshirish bo‘yicha tadqiqotlar asosida ilmiy-uslubiy manbalar yaratish va targ‘ib qilishda ko‘maklashish. | II va III choraklar davomida | Tegishli vazirlik va idora mablag‘lari hisobidan | Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi Oila va xotin-qizlar qo‘mitasi, Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi Yoshlar ishlari agentligi, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari | Ta’lim muassasalarida yoshlar bilan ishlash va volontyorlik faoliyatini rivojlantirish boshqarmasi boshlig‘i **(U.Sattarov),** Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar bilan ishlash bo‘limi boshlig‘i **(U.Sultonov)** |
| **2.** *(22-band)* | Hududlarda, ayniqsa qishloq joylarda xotin-qizlarni servis va xizmat ko‘rsatish, axborot texnologiyalari, dasturlash va qishloq xo‘jaligi sohalarida o‘qitish hamda ushbu sohada | 1. Monamarkazlar, kasb-hunarga o‘qitish markazlari va maskanlarida o‘qish istagi bo‘lgan fuqarolarga mahallada tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta’minlash va kambag‘allikni qisqartirish masalalari | Yil davomida | Tegishli vazirlik va idora mablag‘lari hisobidan | Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Savdo-sanoat palatasi, Yoshlar siyosati | Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar bilan ishlash bo‘limi boshlig‘i **(U.Sultonov),** Yoshlar bandligi va tadbirkorligiga ko‘maklashish |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | mehnat faoliyatini amalga oshirish uchun mavjud imkoniyatlarni yanada kengaytirish. | bo'yicha hokim yordamchilari tomonidan tavsiyanomalar berish bo'yicha ishchi guruh tarkibiga nomzod taqdim etish.<br>2. Ishsiz fuqarolarni amaldagi mexanizmlardan foydalangan holda o'qitish ishlarini tashkil etishda ko'maklashish.<br>3. O'qishni muvaffaqiyatli tamomlagan xotin-qizlarning bandligiga ko'maklashish shu jumladan, ishga joylashtirish, o'zini-o'zi band qilishga ko'maklashish, asbob-uskuna uchun subsidiya ajratish. | | | va sport vazirligi huzuridagi Yoshlar ishlari agentligi, Raqamli texnologiyalar vazirligi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari | boshqarmasi boshlig'i **(S.Jurayev)** |
| **3.** *(28-band)* | Jamiyatda tazyiq va zo'ravonlik sodir etilishiga olib keladigan sabab hamda shart-sharoitlarni tahlil qilish va ularni bartaraf etish choralarini ko'rish. | 1. Tazyiq va zo'ravonlik sodir etilishiga olib keladigan sabab hamda shart-sharoitlarni tahlil qilish va ularni bartaraf etish bo'yicha ilmiy, amaliy hamda fundamental tadqiqotlarni qo'llab-quvvatlashda ko'maklashish.<br>2. Jamiyatda tazyiq va zo'ravonlik sodir etilishiga qarshi murosasizlik muhitini shakllantirish, bu borada jamoatchilik nazoratini olib borishda ishchi guruh tarkibiga nomzod taqdim etish. | Yil davomida | Tegishli vazirlik va idora mablag'lari hisobidan | Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi Oila va xotin-qizlar qo'mitasi, Ichki ishlar vazirligi, Bosh prokuratura, Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi Yoshlar ishlari agentligi, Qoraqalpog'iston Jo'qorg'i Kengesi, xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashlari fuqarolik jamiyati institutlari | Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularning huquqiy savodxonligini oshirish bo'limi boshlig'i, **(A.Alimov)** Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar bilan ishlash bo'limi boshlig'i **(U.Sultonov)** |
| **4.** *(31-band)* | Gender tengligini ta'minlashga oid turli stereotiplarning oldini olish va | 1. Aholida shakllangan gender stereotiplarni bartaraf etish va gender tenglikni targ'ib qiladigan video, audioroliklar, reportajlar, radio | 2023-yil mart | Tegishli vazirlik va idora mablag'lari hisobidan | Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Yoshlar siyosati | Axborot xizmati rahbari **(N.Abduqodirov)**, Ijtimoiy himoyaga muhtoj |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | unga oid me'yorlarni aholi orasida keng targ'ib qilish. | eshittirishlar, maqolalar, infografikalar, intervyular, xabar va postlar tayyorlash.<br>2. Obunachilari ko'p bo'lgan ijtimoiy tarmoqlar, bloglar va boshqa internet resurslarida targ'ib qilish va tarqatish. | | | va sport vazirligi huzuridagi Yoshlar ishlari agentligi, MTRK | yoshlar bilan ishlash bo'limi boshlig'i **(U.Sultonov)** |
| **5.** *(32-band)* | Bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirishda ayollar bilan bir qatorda erkaklarning mas'uliyati hamda rolini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish. | Ta'lim tashkilotlarida "Yigitlar klubi" hamda mahallalarda "Otalar maktablari"ni tashkil etish orqali yigitlarga oila boshlig'i mas'uliyatini singdirish va otalikka tayyorlab borish hamda o'g'il bolalarning kasbiy, muloqot qilish ko'nikmalarini shakllantirishga qaratilgan targ'ibot materiallari, media mahsulotlarni tayyorlash va namoyishlarini tashkil etish. | 2023-yil avgust | Tegishli vazirlik va idora mablag'lari hisobidan | Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi Oila va xotin-qizlar qo'mitasi Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi Yoshlar ishlari agentligi, MTRK, UzA | Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar bilan ishlash bo'limi boshlig'i **(U.Sultonov)** |

(У. Султонов) (Н. Абдугофуров) (А. Алимов)

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING QARORI**

**2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясининг 2021-2022 йилдаги ижроси ҳамда уни амалга ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 25 майдаги СҚ-297–IV-сонли Қарори билан тасдиқланган 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ва уни 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган қонунчилик асосларини такомиллаштириш йўналишида 41 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат *(2 та Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони ва 12 та қарори ҳамда ҳукуматнинг 25 та қарори)* қабул қилинган.

Гендерга оид аудит, унинг вазифалари, уни ўтказиш ва натижаларини кўриб чиқиш тартиби белгиланган.

Сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш йўналишида сайловнинг барча босқичларида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг асосда иштирок этишини кузатувчи 11 та индикатор ишлаб чиқилган. Мазкур индикаторлар 2021 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясидан бошлаб амалиётга татбиқ қилинган.

Давлат хизмати соҳасида "Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастури" тасдиқланиб, турли соҳаларда бошқарувчилик салоҳиятига эга 25 055 нафар хотин-қизнинг кадрлар захираси шакллантирилган ҳамда уларни раҳбарликка тайёрлаш бўйича 3 та алоҳида ўқув дастури асосида жами 14 054 нафар хотин-қиз ўқитилган.

Таълим, илм-фан соҳасида мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тасдиқланган. Унга кўра, xotin-qizlar.uz электрон платформаси орқали тавсиянома олиш учун мурожаат қилган 29 531 нафар хотин-қиздан 28 664 нафарига тавсиянома берилган.

Стартаплар бўйича хотин-қизларнинг умумий қиймати 20,11 млрд сўмлик 25 та стартап лойиҳалари молиялаштирилган. "Олима аёллар" грантлари бўйича 2022 йилда 784 нафар олима аёл томонидан илмий



лойиҳалар келиб тушган, шундан 196 та лойиҳа молиялаштиришга тавсия этилган бўлиб, бунинг учун 281,6 млрд сўм маблағ ажратилган.

Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ишсиз, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган 17 930 нафар хотин-қизга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ўзини ўзи банд қилиш учун субсидиялар ажратилган.

Тиббиёт муассасаларида 2,6 млн нафар хотин-қиз онкоскрининг текширувидан ўтказилган.

2022 йилда хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларига 17,1 млрд сўм миқдоридаги грант маблағлари ажратилган.

Шу билан бирга, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини (бундан буён матнда Стратегия деб юритилади) амалга оширишда қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Хусусан, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси Стратегиянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш бўйича фаолиятини самарали ташкил эта олмаганлиги сабабли 2022 йилда эришилиши режалаштирилган айрим мақсадли кўрсаткичлар бажарилмай қолган.

Масалан, 2022 йилда вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларида раҳбарлик (ҳокимлар) лавозимида, сиёсий партияларнинг раҳбарлик лавозимларида ҳамда судьялар орасида хотин-қизларнинг улуши бўйича режалаштирилган кўрсаткичга эришилмаган.

Гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасининг 2, 5, 15, 25, 33, 34, 35-бандларида белгиланган вазифалар бажарилмаган.

Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг "Иш жойларида тазйиқ ва зўравонлик тўғрисида"ги (2019 йил 10 июндаги 190-сонли) конвенциясидаги халқаро стандартлар ва нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масаласи тўлиқ ўрганилмаган, тегишли таклифлар Ҳукуматга киритилмаган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг "Ишлаётган аёллар ва эркаклар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятга эга ишчилар тўғрисида"ги *(1981 йил 23 июндаги 156-сонли)*, "Тўлиқсиз иш куни тўғрисида"ги *(1994 йил 24 июндаги 175-сонли)*, "Касаначилик тўғрисида"ги *(1996 йил 4 июндаги 177-сонли)* конвенцияларини ўрганиш натижалари бўйича мазкур конвенцияларни ратификация қилиш мақсадга мувофиқ деб топилган бўлса-да, Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда қонун лойиҳаси киритилмаган.

Шунингдек, меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари маълумотлар базасида Ўзбекистон Республикаси тўғрисидаги индикаторларни халқаро тан олинган ва тавсия этилган методология асосида такомиллаштириш ишлари тўлиқ якунланмаган.

Илм-фан соҳасида муваффақиятга эришган машҳур ўзбек аёллари номи билан аталган стипендия жорий этиш ва уни тақдим этиш механизмлари ишлаб чиқилмаган, стипендия жорий этилмаган.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “STEAM” соҳасида таълим олаётган хотин-қизларнинг магистрлик, докторлик ишларини давлат ташкилотлари, хусусий компанияларда апробациядан ўтказишда қўллаб-қувватлаган олий ўқув муассасаларини рағбатлантириш механизмини яратиш юзасидан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилмаган.

Молия вазирлиги томонидан “Гендер тенгликка йўналтирилган бюджетлаштириш” услубий қўлланмаси ҳамда “Гендер тенгликка йўналтирилган бюджетлаштириш: Ўзбекистон ва хориж” ахборот-таҳлилий шарҳ тайёрланган бўлса-да, мониторинг ишлари ташкил этилмаган ва натижалари оммавий ахборот воситаларида очиқланмаган.

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар натижадорлигини баҳолашга қаратилган сўровномалар ўтказилмаган.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга асосан давлат органларида тадбиркорлик субъектлари, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирокида Маслаҳат кенгашларини тузиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ўтган давр мобайнида давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат кенгашлари тузилиши ишлари олиб борилди. Аммо бу ишлар етарли даражада ташкил этилмаган. Жойлардаги ўрганиш натижаларига кўра 2020-2022 йилларда 42 та давлат идорасида Маслаҳат кенгаши фаолияти йўлга қўйилган.

Фаолияти ўрганилган 44 та давлат органидан 7 тасида Маслаҳат кенгаши тузилмаган. Маслаҳат кенгаши тузилганлари ҳам деярли фаолият юритмаган. Маслаҳат кенгашлари фаолиятини тизимли, самарали ташкил этиш учун зарур тавсиялар, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг аксарияти хусусий секторда банд бўлишига қарамай, хусусий корхоналар, ташкилот ва муассасаларда бу каби Маслаҳат кенгашларини ташкил этиш чоралари кўрилмаган.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс белгиланиши ва унинг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилиши назарда тутилган.

Аммо Инвестициялар ва ташқи савдо, Туризм ва маданий меросни ривожлантириш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини



ривожлантириш вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, “Ўзархив” агентлиги, Олий аттестация комиссияси, “Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси, Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказида ушбу талабга риоя этилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 9-моддасига ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М.Кадирхpraованинг 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ва уни 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ижроси ҳақидаги ҳамда уни амалга ошириш бўйича 2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросига ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари бажарилишига етарли эътибор қаратилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

**3.** 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-297–IV-сонли Қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

**5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ҳафта муддатда** 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига тасдиқлаш учун киритсин.

**6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**

Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш чораларини кўрсин;

**ҳар чорак якуни** бўйича Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ахборот киритиб борсин.

**7. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси**:

**икки ой муддатда** давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича Маслаҳат кенгашлари фаолиятини ташкил этиш юзасидан зарур тавсияларни, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни, ишини тўғри ва самарали ташкил этиш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқсин ва жойларга етказиб берилишини таъминласин;

**2023 йилнинг 1 апрелига қадар** барча давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича Маслаҳат кенгашларини тузилишини, **2023 йил якунига қадар** йирик корхона ва ташкилотларда ҳам ушбу Маслаҳат кенгашларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

**2023 йилдан бошлаб** алоҳида режа асосида Маслаҳат кенгашлари аъзоларининг алоҳида дастур асосида ўқитилишини ташкил этсин.

**8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳар чоракда** Стратегиянинг амалга оширилиши юзасидан масъул вазирлик ва идораларнинг ахборотларини эшитиб, тегишли чоралар кўриб борсин.

**9. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар Кенгашларига** 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижросининг боришини Кенгаш сессияларида танқидий муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

**10.** Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М.Кадирханова зиммасига юклансин.

**11.** Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **Т. Нарбаева**

QARORLAR UCHUN — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING DEVONI

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 декабрь,
№ СҚ-682–IV.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
2022 йил 28 декабрдаги
СҚ-682–IV-сонли Қарорига
1-илова

**2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар**
**ДАСТУРИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган қонунчилик асосларини такомиллаштириш** | | | | |
| 1. | Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратишга қаратилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларининг Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларига мос келадиган мақбул нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш. | 1. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида”ги *(132-сонли)* Конвенциясини ва хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда ундаги халқаро стандартлар ва нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масаласини ўрганиш.<br>2. Ўрганиш натижалари асосида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.<br>3. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Меҳнат гигиена, ишлаб чиқаришда гигиена хавфсизлиги тўғрисида”ги *(155-сонли)*, “Ишлаётган аёллар ва эркаклар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятга эга ишчилар тўғрисида”ги *(156-сонли)*, “Тўлиқсиз иш куни тўғрисида”ги *(175-сонли)*, “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (183-сонли) конвенцияларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш.<br>4. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаларини ўрнатилган тартибда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш. | август<br>сентябрь<br>октябрь<br>ноябрь | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги,<br>Адлия вазирлиги,<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,<br>манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 2. | БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қўшимча протоколи талабларини ўрганиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузган ҳолда Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қўшимча протоколига қўшилишнинг мақсадга мувофиқлигини ҳар томонлама ўрганиш.<br>2. Ўрганиш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. | сентябрь<br><br>октябрь | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 3. | Сайловга оид қонун ҳужжатларига гендер тенглигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш: | 1. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:<br>барча ҳолларда комиссия раисларини сайлашда ва тайинлашда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш;<br>округ сайлов комиссиялари раислигига номзодларни тавсия этишда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш;<br>участка сайлов комиссиялари раислигига номзодларни тавсия этишда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш.<br>2. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:<br>референдум ўтказувчи округ комиссияси раислигига номзодларни тавсия этишда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш;<br>референдум ўтказувчи участка комиссияси раиси ва раис ўринбосарини тайинлашда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш.<br>3. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш: | II чорак<br><br>III чорак | Адлия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритишда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш;<br>давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритишда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш.<br>4. Тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | IV чорак | |
| 4. | Кибер-зўравонлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришга қаратилган ўрганишлар ўтказиш. | 1. Кибер-зўравонлик турлари, мезонлари ва бу билан боғлиқ хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини ўрганиш.<br>2. Зарур ҳолларда, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. | III чорак | Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **II. Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш** | | | | |
| 5. | Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини рағбатлантиришда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш. | 1. Сайлов жараёнларига пухта тайёргарлик кўриш ҳамда сайловларнинг барча босқичида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.<br>2. Сиёсий партияларда фаолият юритаётган хотин-қизларни лавозимларга тавсия этишга қаратилган “ижтимоий лифт” тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш. | дастур ишлаб чиқиш - январь амалга ошириш – йил давомида март | Сиёсий партиялар *(келишув асосида)*, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. Жамиятда "Аёл сиёсатчи" образи тўғрисида ижобий фикрни шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш.<br>4. Вакиллик органларида фаолият олиб бораётган депутат аёлларнинг ижобий тажрибаларини оммалаштириш.<br>5. Сиёсатчи аёллар ҳақида медиа маҳсулотлар тайёрлаш ва мулоқот платформаларини йўлга қўйиш. | март-август<br>йил давомида<br>ҳар ойда бир маротаба | МТРК, ЎзА |
| 6. | Давлат бошқарувида хотин-қизлар улушини оширишда сиёсий партияларнинг иштирокини янада кенгайтириш. | 1. Сиёсий партияларга аъзо бўлган фаол хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш.<br>2. Давлат ташкилотларини демократик тамойиллар асосида шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш (Сиёсий партияларга давлат бошқаруви органлари раҳбарлигига номзод кўрсатиш ва бошқалар) бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш.<br>3. Ўрганиш натижалари бўйича таклифларни Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига киритиш.<br>4. Жамиятда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган сиёсий партияларнинг гендер стратегиясини ишлаб чиқиш.<br>5. "Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли" мавзусида ҳудудий ва Республика илмий-амалий анжуманини ташкил этиш. | апрель<br>май<br>июнь<br>август<br>октябрь | Сиёсий партиялар *(келишув асосида)*, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **III. Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш** | | | | |
| 7. | "Аёлларнинг давлат хизматидаги ўрни: замонавий тенденциялар" мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ташкил этиш ва ўтказиш. | 1. Конференцияни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари ҳамда экспертлардан иборат таркибда ишчи гуруҳни шакллантириш.<br>2. Конференция концепцияси, дастури, маърузачилар ҳамда иштирокчилар таркибини шакллантириш ҳамда тадбир ўтказиш жойи ва вақтини белгилаш.<br>3. Конференцияни белгиланган муддатларда юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.<br>4. Конференция якунлари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш. | январь<br>февраль<br>II чорак | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат бошқаруви академияси ва нодавлат нотижорат ташкилотлари |
| 8. | Гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари фаолияти такомиллаштириш чораларини кўриш. | 1.Барча давлат органларида маслаҳат кенгашлари фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш чораларини кўриш.<br>2. Босқичма-босқич маслаҳат кенгашлари фаолиятини хусусий секторда оммалаштириш ва йўлга қўйиш. | апрель<br>доимий | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар |
| 9. | Гендер тенглик бўйича халқаро сертификат талабларини ўрганиш. | 1. БМТ Тараққиёт дастури (БМТТД) томонидан ташкилотларнинг гендер тенгликка эришиш бўйича фаолият самарадорлигини баҳолашга қаратилган "Гендер тенглик нишони" мезонларини ўрганиш.<br>2. Ўрганиш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. | апрель<br>май | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар |
| 10. | Миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар улушини 30 фоизга етказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Миллий кадрлар захирасига киритилган хотин-қизлар улушини вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш. | апрель | Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Таҳлил натижалари асосида Миллий кадрлар захирасида салоҳиятли, фаол хотин-қизлар улушини 30 фоизга етказиш чораларини кўриш.<br>3. Раҳбарлик лавозимларига Миллий кадрлар захирасини шакллантиришда аёл номзодларни инобатга олиш тизимини жорий этиш. | сентябрь<br><br>доимий | Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 11. | Хорижда кадрлар малакасини ошириш, уларнинг стажировкадан ўтишларини ташкил этиш. | 1. Ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан ўз тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари, илмий марказлари ва компанияларда малака ошириш (стажировка) ўтиш дастурларини ташкил этиш мақсадли буюртмасини шакллантириш ва "Эл-юрт умиди" жамғармасига тақдим этиш.<br>2. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мақсадли буюртмаси асосида хотин-қизларнинг хорижда малака ошириши ва стажировка ўтишини ташкил этиш. | апрель<br><br>йил давомида | Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, вазирлик, идора ва ташкилотлар |
| 12. | Хотин-қизларнинг халқаро миқёсида давлат ҳамда ўзи фаолият юритаётган давлат органи ва ташкилоти номидан вакил бўлиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш. | Дипломатик ваколатхоналарнинг дипломатик лавозимларига тайинлаш мақсадида алоҳида квота жорий этиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ахборот-таҳлилий ҳужжат тайёрлаш. | май | Ташқи ишлар вазирлиги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 13. | Хотин-қизлар учун давлат хизматига кириш жозибадорлиги ва иш режими қулайлигини ошириш. | 1. Ҳудудларда қуйидагиларни назарда тутувчи тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш:<br>хотин-қизлар учун мослашувчан иш режимларини ташкил этиш;<br>давлат хизматчилари фаолиятини масофавий ташкил этиш ҳамда уй шароитида масофавий ишлашга муҳтож бўлган салоҳиятли хотин-қизларни жалб этиш; | йил давомида<br>май<br>июль | Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси |



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | ҳомиладорлик ва бола парваришида бўлган аёл ходимлар учун масофавий меҳнат фаолиятини кўрсатиш имкониятини яратиш.<br>2. Ўтказилган тажриба синов натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш. | сентябрь<br><br>октябрь | Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 14. | Давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда ва долзарб аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга оширишда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш. | 1. Республика ва маҳаллий даражадаги ижро ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайинлаш ҳолатини ўрганиш.<br>2. Илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида давлат органлари ва ташкилотларида лавозимда кўтарилиш масалалари бўйича тенг имкониятларни яратишга қаратилган гендер тенгликни таъминлаш мезонларини ишлаб чиқиш.<br>3. Квоталар ва ишга қабул қилиш талабларини кўриб чиқиш, аёллар учун лидерлик ва етакчилик салоҳиятини ошириш бўйича ички дастурларни йўлга қўйиш орқали давлат хизматчилари орасида аёллар улушини ошириш. | июнь<br><br>август<br><br>йил давомида | Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 15. | **"Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли"** мавзусидаги анъанавий форумни ўтказиш. | Форумда:<br>хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, эришилган натижалар ва мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш;<br>парламентдаги аёллар томонидан йил давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш;<br>ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш. | декабрь | Олий Мажлис палаталари *(келишув асосида)*<br>Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **IV. Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш** | | | | |
| 16. | Иқтидорли хотин-қизларни олий таълим муассасаларида қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтидорли талабалар учун махсус стипендиялар жорий этиш. | Қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш:<br>илм-фан соҳасида муваффақиятга эришган машҳур **ўзбек аёллари** номи билан аталувчи стипендия жорий этиш ва уни тақдим этиш механизмларини ишлаб чиқиш;<br>стипендия тақдим этишда шаффофлик принципига амал қилинишини таъминлаш;<br>стипендия ғолибларининг магистратура, докторантурага қабул қилинишида имтиёзлар яратиш;<br>стипендиатларни раҳбар кадрлар захирасига киритиш ва йўналишига кўра маълум амалиётни ўтгач раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш. | 2023 йил апрель | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |
| 17. | Таълим, илм-фан, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш | 1. Ҳар бир тармоқ кесимида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилиш борасида олиб борилган илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни таҳлил этиш.<br>2. Ҳозирги замондаги тенденциялардан келиб чиқиб, тармоқларда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган тадқиқотлар кўламини кўпайтириш ва мунтазам равишда кенг жамоатчиликка етказиб бориш. | апрель<br><br>доимий | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси |
| 18. | Хотин-қизлар ва эркакларнинг тиббий маданиятини ошириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишда давлат органлари, | 1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жойлардаги вакиллари томонидан давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда маҳалла, олий ўқув юртлари талабалари, мактаб битирувчилари орасида тарғибот ишларини олиб бориш. | йил давомида<br><br>апрель | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари |



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш. | 2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, нодавлат, нотижорат ташкилотлари экспертлари билан ҳамкорликда стандарт операцион иш тартиблари (СОТ)ни ишлаб чиқиш.<br>3. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази да ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва оилавий шифокор, акушер гинеколог, шошилинч тез тиббий ёрдам шифокорлари, патронаж ҳамшираларнинг малакасини ошириш. | алоҳида жадвал асосида | |
| 19. | Хотин-қизлар ва эркакларнинг бутун умр давомида ўқиш имкониятларини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Бугунги глобаллашаётган дунёда катталар учун таълим ва ўқиш зарурлигидан келиб чиқиб, катталар учун профессионал билим ва кўникмаларни ривожлантириш бўйича дастур ва графикларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.<br>2. Хотин-қизлар ва эркакларнинг бутун умр давомида ўқишининг афзалликлари тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар асосида илмий-услубий манбаларни яратиш ва тарғиб этиш. | II ва III чораклар давомида | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| **V. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш** | | | | |
| 20. | Медиа маҳсулотларни гендер тенглик юзасидан мониторинг қилиш чораларини кўриш. | 1. Медиа маҳсулотларни гендер тенгликни таъминлаш юзасидан мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Ишлаб чиқилган тартиб асосида ҳар олти ойда медиа маҳсулотларни гендер тенглик юзасидан мониторингдан ўтказиш.<br>3. Гендер тенгликни таъминлашга оид турли стереотипларнинг олдини олиш, бу борада мавжуд меъёрларни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилиш. | май<br><br>ҳар олти ойда<br><br>доимий | Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси, МТРК, ЎзА |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 21. | Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун туркум ўқув машғулотлари ташкил этиш. | Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган материалларни (видео, фото ва мақолалар) гендер тенглик тамойилларига мувофиқ ҳолда тайёрлаш юзасидан ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш. | Йил давомида алоҳида жадвал асосида | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси |
| 22. | Ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларда хотин-қизларни сервис ва хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари, дастурлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўқитиш ҳамда ушбу соҳада меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш. | 1. Мономарказлар, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ва масканларда ўқиш истаги бўлган фуқароларга маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари томонидан тавсияномалар бериш.<br>2. Ишсиз фуқароларни амалдаги механизмлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш ишларини ташкил этиш.<br>3. Ўқишни муваффақиятли тамомлаган хотин-қизларнинг бандлигига кўмаклашиш, шу жумладан, ишга жойлаштириш, ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашиш, асбоб-ускуна учун субсидия ажратиш. | июнь<br>доимий<br>доимий | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 23. | Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибида хотин-қизлар улушини босқичма-босқич ошириб бориш. | 1. Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибида хотин-қизлар улушини таҳлил қилиб бориш.<br>2. Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибига амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида танлов ўтказиладиган аъзолик ўринлари рўйхатини шакллантириш. | йил давомида<br>февраль | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. Эълон қилинган танловларни ОАВда кенг ёритиш ҳамда Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ва Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасини хабардор қилиб бориш.<br>4. Танловларда Миллий кадрлар захирасидаги хотин-қизларнинг номзодларини жалб этиш чораларини кўриш.<br>5. Танлов натижаларидан келиб чиқиб, муносиб деб топилган хотин-қизларни кузатув кенгаши таркибига сайлаш бўйича корхоналар бошқаруви органлари (муассис) қарорларини қабул қилиш. | белгиланган муддатларда<br>доимий<br>танловлардан сўнг уч кун ичида | |
| 24. | Имконияти чекланган ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ва эркакларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, касбга ўқитиш бўйича яратилган имкониятлар юзасидан тарғибот тадбирларини ўтказиш.<br>2. Ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулот ва хизматларни бюджет хариди бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш. | апрель<br>сентябрь | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| **VI. Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш** | | | | |
| 25. | Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хавфсизлигини, жисмоний ва руҳий реабилитациясини ҳамда мослашувини таъминлашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ҳукуматга киритиш. | II чорак | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. | | |
| 26. | Мамлакатларнинг тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш чораларини кўриб бориш. | 1. Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги ҳолатини таҳлил қилиш.<br>2. Рейтинг ва индекслар таркибидаги паст натижа қайд этилган индикаторларда мамлакат ўрнини яхшилаш юзасидан тегишли таклифларни шакллантириш ва амалга ошириш чораларини кўриш. | август<br>сентябрь | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 27. | Давлат бошқарув органлари меҳнат жамоаларида зўравонлик турлари ва уларнинг олдини олиш бўйича қисқа муддатли ўқувларни ташкил этиш. | 1. Малакали психологларни жалб этган ҳолда меҳнат жамоаларида зўравонликнинг олдини олиш бўйича қисқа муддатли ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.<br>2. Барча давлат хизматчиларини ушбу дастурлар асосида ўқитишни ташкил этиш. | февраль<br>март-ноябрь ойларида | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 28. | Жамиятда тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаб ҳамда шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш. | 1. Тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаб ҳамда шарт-шароитларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш.<br>2. Жамиятда тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига қарши муросасизлик муҳитини шакллантириш, бу борада жамоатчилик назоратини олиб бориш. | йил давомида | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, |



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, фуқаролик жамияти институтлари |
| 29. | Зўравонлик содир этилган ва нотинч оилалардаги зўравонлик содир этишга мойил (агрессор) бўлган шахсларнинг хулқ-атворини ўзгартириш бўйича ҳамда нотинч оилаларда улар аъзоларининг зўравонликнинг олдини олиш бўйича махсус психокоррекция дастурларидан ўташни жорий қилиш. | Малакали психологлар иштирокида ва хорижий тажрибани ўрганиш асосида зўравонлик содир этишга мойил (агрессор) бўлган шахсларда агрессияни камайтириш ва ғазабни бошқариш орқали хулқ-атворини ўзгартириш бўйича психокоррекция, реабилитация тадбирларни ўз ичига олган махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш. | йил давомида | Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Дин ишлари қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 30. | Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига жойлаштирилган шахсларнинг муаммоларини ҳал этиш тизимини такомиллаштириш | Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига жойлаштирилган тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахсларнинг муаммоларини аноним тарзда ҳал этишда давлат идораларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш. | йил давомида | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги |
| 31. | Гендер тенглигини таъминлашга оид турли стереотипларнинг олдини олиш ва унга оид меъёрларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш. | 1. Аҳолида шаклланган гендер стереотипларни бартараф этиш ва гендер тенгликни тарғиб қиладиган видео, аудиороликлар, репортажлар, радиоэшиттиришлар, мақолалар, инфографикалар, интервьюлар, хабар ва постлар тайёрлаш.<br>2. Обуначилари кўп бўлган ижтимоий тармоқлар, блоглар ва бошқа интернет ресурсларида тарғиб қилиш ва тарқатиш. | март | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, МТРК |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **VII. Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш** | | | | |
| 32. | Болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантиришда аёллар билан бир қаторда эркакларнинг масъулияти ҳамда ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | Таълим ташкилотларида “Йигитлар клублари” ҳамда маҳаллаларда “Оталар мактаблари”ни ташкил этиш орқали йигитларга оила бошлиғи масъулиятини сингдириш ва оталикка тайёрлаб бориш ҳамда ўғил болаларнинг касбий, мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тарғибот материаллари, медиа маҳсулотларини тайёрлаш ва намойишини ташкил этиш. | май | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, МТРК, ЎзА |
| 33. | Оилавий ҳаётга оид муаммолар, психологик-педагогик, ҳуқуқий ва бошқа масалалар юзасидан хотин-қизлар ва эркаклар учун маслаҳатлар бериш тизимини янада такомиллаштириш. | “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари”ни тубдан такомиллаштириш, уларни оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш масканларига айлантириш чораларини кўриш. | август | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| **VIII. Гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва бюджетлаштириш** | | | | |
| 34. | Бюджетларни шакллантиришда аёлларнинг иштирокини ошириш. | 1. Бюджет сиёсатининг эркаклар ва аёлларга таъсирини кузатувчи мустақил тузилмалар фаолияти бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ва ўрганиш натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш.<br>2. Республика ва маҳаллий бюджетларни гендер жиҳатдан режалаштириш учун гендер таҳлил воситаларини кенг жорий этиш. | июнь<br>август | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 35. | Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан гендер тенгликка эришишни ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш | 1. Ушбу йўналишда Давлат бюджети, шу жумладан маҳаллий бюджет маблағлари ажратилишини таҳлил қилиш. | ҳар йил якунларига кўра<br>январь | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |



| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | мақсадида маблағлар ажратилишини таҳлил қилиб бориш. | 2. Мониторинг натижаларини ОАВда эълон қилиб бориш. | | |
| **IX. Гендер статистикаси юритилишини такомиллаштириш** | | | | |
| 36. | Республика ва ҳудудлар кесимида гендерга оид вазиятни таҳлил қилиш ҳамда унинг мониторингини юритиш. | 1. Вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларида жинслар бўйича статистик кўрсаткичлар юритилишини ташкил этиш ва жамланган маълумотларни статистика органларига тақдим этиб бориш.<br>2. Гендер статистикасига оид кўрсаткичларни мувофиқлаштирган ҳолда статистика юритилишини таъминлаш ҳамда йиллик маълумотларни эълон қилиб бориш.<br>3. Хотин-қизлар ва эркакларнинг норасмий меҳнат бозори секторидаги, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштироки, уларнинг давлат томонидан кафолатланган имкониятлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан статистик маълумотларни тизимли юритиш. | ҳар йил якунлари бўйича<br>доимий<br>доимий | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вазирлик ва идоралар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 37. | Аграр ва экология соҳаларида гендер статистикасига оид услубий қўлланмаларни тайёрлаш. | Соҳа мутахассислари ва халқаро экспертларни жалб этган ҳолда Аграр ва экология соҳаларида гендер статистикасига оид услубий қўлланмалар тайёрлаш ва кенг жамоатчиликка етказиш чораларини кўриш. | ноябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги |
| 38. | Гендер масалаларига оид халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи ташкилотларни миллий гендер статистикаси билан доимий таъминлаб боришни йўлга қўйиш. | 1. Халқаро рейтингларни, шу жумладан, Жаҳон иқтисодий форуми (Global Gender Gap (GGG) Index World Economic Forum). Аёллар тадбиркорлиги Глобал индекси (Global Women Entrepreneurship Development Index), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг | доимий | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Муддати | Ижро учун масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | Ижтимоий институтлар ва гендер индекси (OECD SIGI Index) тузувчилар, шунингдек, халқаро рейтингларга алоқадор бошқа халқаро, илмий-тадқиқот, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрнатиш.<br>2. Халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишчи гуруҳ тузган ҳолда ўрганишлар олиб бориш.<br>3. Халқаро рейтинглар саволномалари шаклида ҳар бир индикатор кесимида тўлиқ маълумотлар, шу жумладан статистик маълумотлар шакллантириш.<br>4. Ўзбекистонни мазкур халқаро рейтингга киритиш бўйича чоралар кўриш. | | |

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
2022 йил 28 декабрдаги
СҚ-682–IV-сонли Қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги СҚ-297–IV-сонли Қарорига киритилаётган ўзгартишлар**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги “**2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида**”ги СҚ-297–IV-сонли Қарорига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **учинчи хатбошидаги** “Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси” деган сўзлар “Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **3-банд биринчи хатбошидаги** “Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси” деган сўзлар “Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **1-иловасининг:**

**2-боб еттинчи хатбошисидаги** “Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси” деган сўзлар “Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-боб биринчи** ва **учинчи хатбошиларидаги** “Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси” деган сўзлар “Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **3-иловасининг еттинчи** ва **саккизинчи бандларидаги** “Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия” деган сўзлар “Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси” деган сўзлар билан алмаштирилсин.